



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 31 (12.592)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Миллий хунармандчилик

«УСТА-ШОГИРД» АНЪАНАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Оддийгина матодан ажойиб санъат асари яратиш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун инсондан қизиқиш ва маҳорат талаб этилади. Қолаверса, сабр-тоқат билан меҳнат қилиш зарур.

Юнусобод туманидаги «Кулолқўрғон» маҳалласида яшовчи Моҳира Султоновада ана шу ҳислатлар мужассам, дейиш мумкин. Болалигидан каштачиликка қизиққан Моҳира опа кунт билан бичиш-тикишни, матоларга гул ва нақшлар солишни ўрганди. Йиллар давомида ўз маҳоратини ошириб борди. «Хунарманд» ва «Ижод» уюшмаларига аъзо бўлди.

Мазкур уюшмаларнинг аъзолари бўлмиш тажрибали каштачилардан соҳа сир-асрорларини пухта ўрганишга ҳаракат қилди, бунга эришди ҳам. Ўзи мустақил равишда турли хил каштачилик маҳсулотларини тика бошлади. Шу тариқа, Моҳира опанинг тажрибаси ошди. Ўз уйида каштачилик тўғрагини ташкил қилди. Опа ўтган йиллари «Кулолқўрғон» маҳалласида истиқомат қиладиган кўплаб хотин-қизларга миллий каштачилигининг давом этиб келаятган анъаналари ҳамда янгича шакл ва усулларини ўргатди.

Ҳозирги кунда опанинг шогирдлари кўпчиликини ташкил этади. Сурайё Шерматова ҳам шулар жумласидан.

Опага шогирд тушиб, шу касбга бўлган қизиқиш ва интилишим янада ошди, дейди Сурайё. Айни кунда матога гул ва ранг-баранг нақшлар солиш бўйича маҳоратини оширмоқдаман. Ниятим — келажакда моҳир каштачи бўлиш ва миллий хунармандчилигининг янада ривожланишига ўз ҳиссамни қўиш.

Мамлакатимизда Сурайё каби ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгаллаши ва ўз билим ҳамда салоҳиятини намоён этиши учун барча зарур шарт-шароит яратилмоқда. Тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси халқ усталари ва хунармандлари «Хунар-

манд» уюшмаси томонидан ҳам ушбу вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2010 йил 30 мартда қабул қилинган «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатининг ёғоч ўймакорлиги, миниатюра, атлас ва адрас тўқувчилиги, тикувчилик, каштачилик, рассомлик, зардўзлик, заргарлик, сандикчилик, қандакорлик, пичоқчилик, кулолчилик, наққошлик, темирчилик каби йиғирмадан ортиқ йўналиш бўйича касб-хунар ўрганишда.

Таъкидлаш жоиз, Истиклол йилларида давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва ғамхўрлиги самараси ўлароқ юртимизда ушбу соҳа янада ривож топди. Авлоддан-авлодга, устадан-шогирдга ўтиб келаятган миллий хунармандчилигининг баъзи унутилган турлари қайта тикланди ва бугунги кунда уларни ёш авлодга ўргатиш борасида «Уста-шогирд» анъанаси давом этмоқда. Бу йўналишдаги ишлар Учтепа, Олмазор, Шайхонтохур, Чилонзор, Юнусобод туманларида, айниқса, яхши йўлга қўйилган.

Ёш хунармандларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, «Уста-шогирд» анъаналарининг янада кенгайиб, изчил давом этаётгани миллий маданиятимиз, хунармандчилигимиз ва санъатимизнинг бундан-да ривож топишига хизмат қилмоқда.

Абдуалим САЛИМОВ

2014 йил — Соғлом бола йили МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда «Сифатли мактабгача таълимни жорий этишда янгича ёндашув» мавзусида халқаро давра суҳбати бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан БМТ Бола-лар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда турли вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари, эксперт ва олимлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашнинг изчил механизми яратилганини, унинг дастлабки ва муҳим бўлини сифатида мактабгача таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда юртимиздаги беш мингдан зиёд мактабгача таълим даргоҳида 580 минг нафардан ортиқ ўғил-қиз тарбияланмоқда. Болаларга бошланғич таълим-тарбия бериш ва уларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакллари — қисқа муддатли ўқув гуруҳлари, саводхонлик марказлари, яқинба мактаблари, мактабдан ташқари таълим муассасалари ташкил этилган. Уларнинг барчаси зарур жиҳоз ва ўқув-услубий воситалар, болаларнинг қобилиятини ривожлантирадиган мантикий интелектуал ўйинчоқлар билан

таъминланган. «Таълим ҳамма учун» маслаҳат маркази имконияти чекланган болалар билан шугулланади, ота-оналарга зарур маслаҳатлар беради.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида мактабгача таълим муассасаларида ҳам ихтисослашган тўғрақлар ташкил этилиб, болажонларга хорижий тиллар ўргатилмоқда.

Хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан яқин алоқалар таълим тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, соҳага илғор услублар ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиш борасида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. «Бола шахсига йўналтирилган таълим» лойиҳаси доирасида мактабгача таълим муассасалари зарур методик қўлланмалар, дастурий воситалар билан таъминланмоқда.

БМТ Болалар жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Роберт Фудерич Ўзбекистонда таълим-тарбия тизими изчил ривожланаётганини қайд этиб, соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижаларини юксак баҳолади.

(Давоми 3-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йигин пунктида муддатли ҳарбий хизматга қақрилган йигитларнинг навбатдаги гуруҳи тантанали равишда кузатилди. Вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва қақрилувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

• «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгашининг ҳисобот-сйллов конференцияси бўлиб ўтди. Ёшларнинг таянчи ва суянчига айланган мазкур ташкилотнинг Тошкент вилояти бўлими 444 минг 381 нафар ёшларни эзгу мақсад йўлида бирлаштирган. Ҳисобот даврида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, фуқаролик позициясини шакллантириш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

• Қорақалпоғистон Республикасида 2013 йилда хотин-қизлар учун қарийб 21 минг янги иш ўрни яратилди. Хотин-қизлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида ўз бизнесини йўлга қўйиб, оиласига, эл-юртга наф келтираётган аёлларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Айни пайтда 8 минг 800 га яқин аёл шу соҳада фаолият кўрсатмоқда.

• Самарқанд санъат коллежида Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуди саналари муносабати билан «Назм ва наво» кечаси ўтказилди. Тадбирда Ҳамид Олимжон номидаги вилоят мусикали драма театри, Самарқанд санъат коллежи ижодий жамоалари томонидан тайёрланган сахна кўринишлари намоиш этилди. Навоий ҳамда Бобур ғазалларига бастанланган куй-қўшиқлар янгради.



• Кучли қор бўронлари боис АҚШнинг олти штатида фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Бундан ташқари, Шимолий Каролина ва Жоржиядаги мактаблар вақтинча ёпилди. Баъзи давлат муассасаларида иш вақти қисқартирилган. Биргина 11 февраль кун 1150 та парвоз бекор қилинган бўлса, кеча яна жадвалдаги 1000 га яқин рейс амалга оширилмади.

• Япониянинг «Toyota Motor» корпорацияси 2017 йили Австралия ҳудудида автомобиль ишлаб чиқаришни тўхтатади. Бунга ҳозир мазкур мамлакатда маҳсулот тайёрлаш таннари ҳудуд қимматлиги, қолаверса, Австралия долларининг қадрсизлиги боис экспортдан қутилганидек фойда олинмаётгани асосий сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

• Буюк Британиянинг «Barclays» банки 12 минг нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилади. Поёнига етган йилда ушбу банкнинг кўрсаткичлари анча тушиб кетган. Масалан, олинган даромад ҳажми 2012 йилдагига нисбатан 2,5 миллиард фунт-стерлингга камайган. «Barclays»даги қисқартириш рўйхатига 220 нафар директор ва 600 нафар топ-менежер ҳам киририлган.

ҚЎШМА ЛОЙИҲАНИНГ САЛМОҚЛИ САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди «Оила институтини мустаҳкамлаш масалаларини илгари суршда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари салоҳиятини ошириш» лойиҳаси якунларини сарҳисоб қилди.

Оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасидаги мақсадли чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши, унинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кучайтирилиши жараёни билан танишди. Мазкур муҳим ижтимоий институтни қўллаб-қувватлаш ва баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш масалаларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда лойиҳа мувофиқлаштирувчилари ўз маъруза ва тақдимотлари билан қатнашди. Таъкидланганидек, лойиҳанинг амалга оширилишида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, бола ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчилик ва халқаро ҳужжатлар, жумладан, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияни ўрганиш борасида оммавий ахборот воситаларини фаоллаштириш зарурлиги қайд этилди.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

КЕЧА Республика телевидение ва радио коллежида «Энг фаол ёш тарғиботчи» кўрик-тан-

ловининг Бектемир туман босқичи бўлиб ўтди.

БУГУН Учтепа туман ҳокимлигида ўтказилган «Соғлом бола — соғлом миллат» мав-

зудидаги давра суҳбатида маҳалла фаоллари иштирок этди.

ЭРТАГА Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноати институти

қошидаги академик лицейда Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 531 йиллигига бағишланган маърифий тадбир уюштирилади.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Ўзбекистонда таълим соҳасини босқичма-босқич, аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда ислоҳ қилиш бўйича узоқни кўзлаган дастурлар амалга оширилмоқда, – деди Р.Фудерич. – Мазкур халқаро анжуман Ўзбекистон таълим тизимининг ўзига хос модели, изчил ислохотлар натижасида қўлга киритилган ютуқлар билан танишиш, соҳада фикр ва тажриба алмашиш имконини бераётди. ЮНИСЕФ Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини таъминлаш, уларни соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ислохотларни юксак баҳолайди ва қўллаб-қувватлайди.

Анжуманда мактабгача таълим муассасаларида тарбия ишларини таъминлаштириш, педагоглар малакаси ва маҳоратини ошириш, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

– Боланинг дастлабки билим ва кўникмалари, илк маънавий-ахлоқий қарашлари шаклланишида мактабгача таълим муассасаларининг ўрни бекиёс, – дейди Ў.А. муҳбирга АҚШнинг Yale университети вакили Ян Ван Равенс. – Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш, болаларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб ўлғайиши учун барча шарт-шароит яратилаётгани эътиборга сазовордир.

Тадбирнинг биринчи кунини мактабгача таълим масканларида маърифий-тарбиявий ишлар сифатини янада ошириш, тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни кенг жорий этишга оид маърузалар тингилди. Таълим жараёнида жамоатчилик ва ота-оналар фаоллигини таъминлаш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш сифатини янада ошириш лозимлиги қайд этилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда инклюзив таълим самаралари, соҳа мутахассисларини тайёрлашнинг замонавий стратегияси, мактабгача таълим қамровини кенгайтириш ва сифатини ошириш масалалари, Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида бу борада амалга оширилаётган лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Нодира МАНЗУРОВА

Корея Республикасининг Ёнсей университети қошидаги «Severance» госпитали шифокорлари юртимиз соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг тиббий-ижтимоий марказида вояга етмаган болаларни умумий чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда.

ТИББИЁТ СОҲАСИДА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК


Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилнинг Соғлом бола йили деб эълон қилиниши бу борадаги хайрли ишлар қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан хорижий тиббий муассасалари билан ҳамкорликда ўтказилаётган тиббий кўриқ ва муолажалар болалар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашишда муҳим омили бўлмоқда.

Ёнсей университети қошидаги «Severance» госпитали билан ҳамкорликда ташкил этилган навбатдаги ана шундай тадбир доирасида малака педиатр, кардиолог, нейрохирург, терапевт, радиолог, офтальмолог ва бошқа мутахассислар болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда.

– Муассасамиз Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда, – дейди «Severance» госпитали директори Донг Су Ким. – Юртин-

Енгил саноат турли йилларда давлат бюджетининг 25 дан 28 фоизгача даромад қисмини шакллантиришда омил бўлган муҳим соҳа ҳисобланади. Енгил саноатнинг мамлакат макроиқтисодиёт комплексидagi роли ҳақида қуйидаги маълумотлардан тегишли хулоса чиқарган ҳолда баҳо беришимиз мумкин: бугунги кунда енгил саноат соҳасида ялпи ички маҳсулотнинг тахминан бешдан бир қисми ишлаб чиқарилаётган бўлиб, унда республика саноатида банд бўлган ходимларнинг учдан бир қисми жамланган.



Ўзбекистонда енгил саноатни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар замирида қайта ишлаб чиқариш ва янги тайёр маҳсулотни чиқариш даражасини ошириш, унинг сифатини хорижий технологиялар ва инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига яхсон стандартлари даражасига чинамо олиши кўзда тутилади.

Бугунги кунда қайта ишланаётган пахта толаси ҳажмини 50 фоизгача етказиш, шунингдек, матолар ва тайёр буюмлар ишлаб чиқарилиши ҳажмини ошириш соҳанинг янада ривожлантиришнинг мақсадли йўналиши дея белгиланган.

Бизнинг «8 март» масъулияти чекланган жамиятимиз ҳам енгил саноат соҳасида фаолият кўрсатиш мақсадида трикотаж матосини ишлаб чиқариш, уни бўйаш ва трикотаж буюмларни тиқиш ҳисобига ишлаб чиқариш жараёнини тиклади ва ишлаётган фабрикани кенгайтирмоқда.

Бунда фабрика қувватини ошириш, тайёр маҳсулот турларини кенгай-

тириш борасида олдимизда жинси матосидан буюмларни тиқиш ва тўқилган матоларни ишлаб чиқариш учун фабрикани янги технологик ускуналар билан жиҳозлаш долзарб масаласи туради. Шундай хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда Германия, Туркия ва Японияда ишлаб чиқарилган юқори технологик ускуналарни сотиб олиш учун Марказий банкнинг Самарқанд бўлимига мурожаат қилдик. Таклифларимиз ва теҳноиқтисодий асосларимиз қисқа муддатларда қўриб чиқилди ва 3,5 млрд. сўм миқдориди кредит ажратилди.

Ўрнатилган янги ускуна бир йилда 1 тоннадан ортиқ трикотаж матосини ишлаб чиқариш имкониятини беради. Бугунги кунда бир ойда трикотаж матосидан қарийб 375 минг дона буюмлар тайёрланмоқда. Корхонанинг тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бир йилда кенг асортиментда 3 миллион дона буюмни ташкил қилади. Фаолиятимиз са-

мараси ўларок, фақат ўтган йилнинг ўзида қўллаб янги иш ўринлари яратилди. Бугунги кунда корхонада 450 дан кўпроқ ходим ишламоқда, улар орасида коллеж битирувчилари ҳам бор.

Маҳсулотимиз хорижда ҳам эътироф этилди. 2013 йилда «8 март» МЧЖ томонидан қарийб 3 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги маҳсулот экспорт қилинди.

Шундай қилиб, Миллий банк томонидан ажратилган маблағлар корхонамизга маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйишга ва ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга ёрдам берди. Бу эса, шак-шубҳасиз, даромадимиз ортишига ижобий таъсир кўрсатди. Кўрсатилган ёрдам ҳамда корхонамизга ишлаб чиқариш йўлга қўйиш ва фаолиятини кенгайтиришда кўмаклашганлиги учун банк хизматидан миннатдоримиз.

Исмаил АМАНОВ,
«8 март» МЧЖ директори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ: енгил саноат соҳасини ривожлантириш борасида — корхоналарга катта кўмак

КИЧКИНТОЙЛАР ЧЕТ ТИЛИДА СЎЗЛАШМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Қарорда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ёш авлодга чет тилларни ўргатиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассислар тайёрлаш тизимини тўлдирган таълим муассасалари бўлиши қўриб кўрилади.

Мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида ушбу қарор ижроси юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилаётди. Мактабгача таълим муассасаларида ҳам чет тилларни ўрганиш бўйича махсус тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни жисмонан соғлом, маънави ракамол инсонлар этиб тарбиялаш боробарида уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларини ҳамда чет тилларни пухта ўзлаштириш учун барча шарт-шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

– Бугунги давр фарзандларимизни тарбиялашда илгор педагогик услублардан кенг фойдаланишни тақозо этаётти, – дейди пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 506-мактабгача таълим муассасаси мудири Сулфия Калоева. – Мусиқа, тасвирий санъат, рақс, спорт, экологияга оид турли тўғарақлар болаларнинг илк билимлари шаклланиши ҳамда тафаккури ривожланишига хизмат қилмоқда. Айниқса, инглиз тили машғулоти кичкинтойларнинг севимли мультфильмлари қарамолини, меза ва турли-туман буюмлар воситасида қизиқарли тарзда ўтказилаётгани хорижий сўзларни тез

эслаб қолишга ёрдам бермоқда.

Уч юз нафардан зиёд бола тарбияланаётган мазкур муассасада ҳам бу масалага алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда. Тумандаги 60-умумтаълим мактаби билан ҳамкорликда инглиз тилини ўқитиш йўлга қўйилган. Тил ўргатиш жараёни болалар учун қизиқарли ўйин тарзида, мусиқа, спорт тўғарақлари машғулоти ҳамда кўргазмалар қўлланмалардан фойдаланган ҳолда олиб боришмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, ўрганилаётган тилни бола ёшга мос равишда олиб бориш, сўз бойлигини ошириш, тўғри талаффуз қилиш, озгача нутқни ях-

шилаш ва дунёқарашни кенгайтиришда жонли мулоқот воситаларидан кўпроқ фойдаланиш зарур. Дастлаб бу жараён ўйин ва озгача нутқ шаклида олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

– Муассасамизда болаларнинг тил ўрганишга бўлган қизиқиши юқори, – дейди инглиз тили ўқитувчиси Анастасия Боршечко. – Машғулотларни мактаб ўқитувчилари ўтгани боис кичкинтойлар ҳозирданок дарс жараёнига мослашаётти. Бу уларнинг биринчи синфга борганда ўзини эркин тутиши, дарсларни яхши ўзлаштиришда катта ёрдам беради.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
Ў.А. муҳбири

Ёшлар — келажакимиз

БИЛИМДОНЛАР БЕЛЛАШУВИ БОШЛАНДИ

Чилонзор туманидаги 1-Тошкент педагогика коллежида «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши ҳамда ушбу ўқув масканининг «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда «Билимлар беллашуви» танловининг ўрта махсус ўқув юрти босқичи бошланди.

Ундан кўзланган асосий мақсад умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, ёшларни эзгу мақсадлар сари бирлаштириш, улар ўртасида ўзаро дўстлик алоқаларини кучайтириш, маънавий баркамоллиги, интеллектуал салоҳиятини ошириш, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ривожлантириш ва дунёқарабини кенгайтириш, мустақил билим ва кўникмаларини шакллантириш, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш орқали таълимга бўлган меҳрини кучайтириш, ўқувчи-ёшлар ўртасида ҳаракатнинг мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш, иқтидорли ва истеъдодли ўсмирларни излаб топиш ва рағбатлантиришдан иборат.

Шу тарика «Илм шундай чексиз уммонки ундан фақат ақлдан кема ясаб сузиш керак» шиори остида «Ёш билимдонлар» лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Лойиҳа доирасида жорий йилнинг март ойида тумандаги барча умумтаълим мактабларида, февраль-март ойларида эса академик лицей ва касб-хунар коллежларида танловнинг ўқув юрти босқичларини ўтказиш, апрель-октябрь ойларидан туман босқичини ташкил этиш режалаштирилган.

Танловда 1-Тошкент педагогика касб-хунар коллежининг «Реалист», «Умид нисоллари», «Эрудит», «Учкун», «Афсона», «Эврика» жамоалари ўзаро беллашилди.

Бунда жами 15 та ақлий ҳамда 10 та тезкор саволлар жамоалар ҳукмига кетма-кетликда тақдим этилиб, ҳар бир саволга ўйлаш учун берилган 30 сониядан сўнг жамоалар ўзларининг жавоб вариантларини экспертларга тақдим этишди. Ушбу баҳсда ғолиб чиққан «Эврика» жамоаси танловнинг туман босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

Тадбирлар

АДАБИЙ МЕРОСИМИЗ НАМОЯНДАЛАРИ

Февраль ойи юртимизда ҳар йили ўзига хос шукуҳ ва руҳда ўтади. Сабаби, 9 февраль санасида буюк мутафаккир Алишер Навоий, 14 февралда эса тарихчи, олим ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд қилганлиги республика бўйлаб кенг нишонланади.

Миробод туманидаги 213-сонли умумтаълим мактабида ҳам икки буюк шоирнинг ёрқин хотирасига бағишлаб «Адабий меросимизнинг тенгсиз намоёндалари» мавзусида маънавий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад ўқувчи ёшлар онгига Навоий ва Бобур ижодида бўлган меҳр ва қизиқишни шакллантириш, уларнинг адабиётга қўшган ҳиссалари ҳақида сабоқ бериш ҳамда миллий нутқ маданиятини ривожлантиришдан иборат.

213-мактаб 5-синф ўқувчиларининг «Буюк аждодларнинг муносиб ворисларимиз» мавзусидаги чиқишлари кечага ўзгача файз бағишлади.

Тадбир сўнггида барча устоз шоирлар ва келган меҳмонлар ўзларининг Навоий ва Бобур ижодлари ҳақидаги маълумотлари билан ўртоқлашиб, ўқувчиларга қизиқарли маълумотларни беришди.

Хуршида НОСИРОВА,
Республика телевидение ва радио
касб-хунар коллежи 2-босқич талабаси

ҚАЛБИМИЗДА МАНГУ БАРҲАЁТ

Тошкент Давлат педагогика университетида уюштирилган адабий кеча «Аждодлар руҳи мангу барҳаёт» деб номланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар улуг мутафаккир шоирлар — Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ибратли ҳаёти йўли, улар қолдирган бой адабий ва маънавий мерос ҳақида қизиқарли фикрларини ёшлар билан ўртоқлашди.

– Бу тадбирни ўтказишдан мақсад, – дейди Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Одина Жамолдинова, – ёшларни аллоамаларимиз хотирасига ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш, улар ижодида бўлган қизиқишни янада орттириш, миллий қадриятларимизга эътиборни юксалтиришдан иборатдир. Аллоамаларимиз яратган ва бизгача етиб келган маънавий-маърифий мерос асрлар оша авлодлар тафаккурини бойитиш, уларга эзгулик ва яхшилик улаштириш тисмолида маънавиятимизни гултожи бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Зеро, ёшлар онгига энг гўзал хислатларни сингдиришда улуг шоирларимизнинг ғазал ва достонлари алоҳида аҳамият касб этади. Буюк бобокалларимизнинг бой ижодий мероси маънавиятимиз хазинасига айланган.

Тадбир доирасида талабалар шеърят султони бўлмиш икки улуг шоирнинг ғазалларидан парчалар ўқиб бердилар, шу билан бирга ўзлари тайёрлаган сахна кўринишларини ийғилганлар эътиборига ҳавола этдилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KOSCHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибиде ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «ORIENT FINANS BANK» ХЕАТБнинг 2014 йил 10 февралдаги 0355-01-сонли буюртмасига ва 2014 йил 20 январдаги 05-сонли баённомасига асосан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик халқа йўли қўчаси 61,59,57-уйларда жойлашган ер участкасининг умумий майдони 2242 кв.м, бинонинг умумий майдони 2272 бўлган Савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси бир қисми қўйилмоқда. Қўчас мўлк бўйича сервитут шартномаси мавжуд. Бошланғич баҳоси - 4 857 000 500 сўм.

Савдо 2014 йил 17 март кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2014 йил 14 март кунини соат 18:00.

Қўчас мўлк 2014 йил 17 март кунини сотилганга тақдирда, такрорий савдолари 2014 йил 31 март ва 14 апрель кўнлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2014 йил 31 мартдаги такрорий савдолар учун 2014 йил 28 март кунини соат 18:00, 14 апрелдаги савдолар учун 11 апрель кунини соат 18:00.

Савдо ғолибига 10 иш кўни ичида сотувчи билан олдин-сўтдан шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мўлк учун тўловни амалга ошириш шакли ва муддатлари сотувчи томонидан олдин-сўтдан шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Савдога қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномадан нусха, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг савдога қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, савдога тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Талабдорлар мўлк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо кўнига қадар, ОАКБ «Ипак йўли банк» Савбон Ф-лидаги : 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519 х/рга тўлашлари шарт. Тел: 228-80-23, www.kms.uz. Лицензия: РН-0001.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш қўчаси, 1-уй.

Спорт янгиликлари



Мухаммад Амин (ЎЗА) олган сурат

НАФИСА МЎМИНОВА КУМУШ
МЕДАЛЬ СОҲИБАСИ

Шахмат бўйича миллий терма жамоамиз етакчиси Нафиса Мўминова «Moscow open – 2014» халқаро турнирида кумуш медаль совриндори бўлди.

Россия пойтахтида 14 нафар талаба-гроссмейстерлар орасида бўлиб ўтган мусобақада грузиялик Мери Арабидзе 7 очко билан биринчи, Нафиса Мўминова 6,5 очко билан иккинчи, Украина шахматчиси Лизе Соловьева эса 5,5 очкони қўлга киритиб, учинчи ўринни эгаллади.

Германиянинг Арнштадт шаҳрида ўтказилган аёллар ўртасида баландликка сакраш мусобақасида энгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Надежда Дусанова 1,94 метр натижа кўрсатиб, учинчи ўринни эгаллади.

УЧИНЧИ НАТИЖАНИ
КЎРСАТДИ

Мусобақа якунида польшалик Камила Личинко (2,00) ва Германия вакили Мари-Лоренс Юнгфляйш (1,97) биринчи ва иккинчи поғонадан жой олишди.

— Мен мазкур мусобақада голиб чиққангидан беҳад шодман, — дейди Надежда Дусанова. — Бу ғалаба ўзимга

бўлган ишонччи янада оширди. Келажакда бундан ҳам юқори марраларни забт этишга ҳаракат қиламан.

Спортчиларимизнинг бу каби юксак натижалари мамлакатимизда спорт билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар мавжудлигидан далолат беради.

Жавохир ТОШХЎЖАЕВ

ЎСМИРЛАРИМИЗ ОСИЁДА ИККИНЧИ

Таиландда бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати ўсмирлар терма жамоамиз медаллар шодасини қўлга киритишди.

Қитъамизнинг кўпгина давлатларидан келган энг иқтидорли ёш чарм қўлқоп усталари 10 та вазн тоифасида ғалаба учун кураш олиб борган нуфузли турнирда терма жамоамизга 2 та олтин, 4 та кумуш ва 2 та бронза медаллари насиб этди.

Кувонарлиси, ўз вазн тоифаларида ҳамюртларимиз Бектемир Мелиқўзиев ва Каримбек Мардонов қўлга тенгсиз эканларини намоён этиб, шохсупанинг энг юқори поғонасини эгаллашди.

Мусобақада умумжамоа ҳисобида терма жамоамиз иккинчи ўринни эгаллади.

Жорий йили футбол мавсумига хорижда тайёргарлик кўрган мамлакатимизнинг етакчи жамоалари «Бунёдкор» ва «Пахтакор» назорат ўртоқлик учрашувларида майдонга тушишди.

ЎРТОҚЛИК
УЧРАШУВЛАРИ

БААда ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этаётган Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги амалдаги Ўзбекистон чемпиони «Бунёдкор» Москва-нинг «Спартак» командаси билан беллашди.

Қизиқарли ва мурасасиз кечган баҳс 2:1 ҳисобида россиялик футболчиларнинг ғалабаси билан якунланди.

Муҳими, ушбу баҳсда «Бунёдкор» мураббийлари жорий йилги мавсумда иштирок этадиган барча футболчиларнинг жисмоний, руҳий имкониятларини синовдан ўтказишди.

Туркиянинг Анталия шаҳрида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказаяётган «Пахтакор» ҳам Россия дивизиони вакили «Нефтохимик» жамоаси билан ўртоқлик баҳсида куч синашди. Шиддатли курашларга бой кечган баҳсда 1:1 ҳисоби қайд этилиб, томонлар мурося йўлини танлашди. Пахтакорчилардан Шерзод Каримов гол муаллифи бўлди.

РЕЙТИНГ
НАТИЖАЛАРИ

Халқаро футбол тарихи ва статистика федерацияси ташаббуси билан мамлакатлар миллий чемпионатларининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Унга кўра Ўзбекистон чемпионати 69-ўриндан ўрин эгаллади.

Болтиқбўйи ва МДХ давлатлари чемпионатлари орасида 9-ўринга лойиқ кўрилди.

Дунё мамлакатлари чемпионатлари орасида ҳозирча Испания пешқадам бўлиб турган бўлса, ундан кейинги фахрли 2,3-ўринларни Англия, Германия эгаллаган.

Футбол бўйича жорий йилги Осиё чемпионлар лигаси турнирларининг саралаш ҳамда гуруҳ баҳсларида ўзбекистонлик ҳакамлар ҳам учрашувларни бошқарадиган бўлишди.

ХАЛҚАРО
МУСОБАҚАЛАРНИ
БОШҚАРИШАДИ

Ҳамюртларимиз ФИФА реферилари — қитъамизнинг 4 қарра энг яхши ҳаками Равшан Эрматов, Валентин Коваленко ва Владислав Цейтлин Осиё футбол конфедерацияси таклифига кўра Осиё чемпионлар лигаси турнири саралаш босқичи ва гуруҳ мусобақаларида учрашувларини бош ҳакам сифатида бошқаришади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Жамоат ташкилотлари фаолиятидан

ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШЛАР
САМАРАЛИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Республика «Нуроний» жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда «ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди бир қатор тadbирларни амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, Мирзо Улуғбек ва Миробод туманларида «Нуроний» ва «Маҳалла» фондлари бўлимлари билан ҳокимликлар ҳамкорлигида ўтказилган тadbирларда 100 нафар уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида «ЭКОСАН» хайрия жамоат фонди томонидан «Савоб ишчи ҳар ким, ҳар кун қилиши керак!» шиори остида 3,5 млн. сўмлик хайрия ёрдамлари топширилди.

Фонднинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонднинг грант танловлари доирасида ютиб олган «Экология-саломатлик» ҳудудий газетасининг экологик маданият ва соғлом турмуш тарзи тарғиботи соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш лойиҳасини амалга ошириш жараёнида «ЭКОСАН»нинг Сурхондарё вилоятининг Тожикистон алюминий заводи билан туташ ҳудудларидаги аҳолининг, табиатнинг озор чекаётгани билан мутахассислар, айниқса, журналистларни таништириш бўйича аҳоли яшаш жойлари, ўқув муассасаларида ёшлар, тиббиёт муассасаларида шифокорлар билан учрашувларига уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини ҳам жалб этгани, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлганларда катта таассирот қолдириб, тарбиявий аҳамият касб этди.

«ЭКОСАН» кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларининг «Нуронийлар» оромгоҳига, «APLA» ногирон болалар иж-

тимоий мослашув жамоат жамғармасига, Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига, Тошкент шаҳар Дезинфекция станциясига, 2-сонли Тошкент шаҳар катталар ва 3-сонли болалар юқумли касалликлар клиник шифохоналарига 22 млн. сўмлик ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси тиббиёт муассасаларининг санитария-гигиеник ҳолатини яхшилаш мақсадида тиббиёт муассасалари ва ижтимоий объектларга тарқатиш учун 42 млн. сўмлик дезинфекция ва стерилизация воситаларини «Нуроний» жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда ўтказилган тadbирлар давомида тақдим этди.

Тошкент Тиббиёт-педиатрия институтидаги учрашув, Юнусобод тумани «Оқтепа» маҳалласи жойлашган 274-ўрта таълим мактабида ўқиган фахрийлар иштирокида ўтказилган «Уч авлод учрашуви» тadbирини, Юнусобод машинасозлар коллежидаги «ЭКОСАН»нинг «Анъаналарни тикла — дарахт эк!» акциясига жавобан «Ёш экологлар боғи»ни яратиш мақсадида уюштирилган дарахт экиш тadbирини ҳам мамлакатимиздаги энг фаол нодавлат нотижорат ташкилотлари сирасига кирувчи «ЭКОСАН», «Маҳалла» ва «Нуроний» фондларининг юртимиз фаровонлиги йўлидаги самарали ҳамкорлик фаолиятидан яққол мисолдир.

Ушбу нодавлат ташкилотлар Соғлом бола йилида ҳам ўзаро ҳамкорликдан унумли фойдаланишни мақсад қилган ҳолда фаолиятларини давом эттиришмоқда.

Дилмурод ИСМОИЛОВ



Сарвар Ўрмонов (ЎЗА) олган сурат

Кўргазмалар

ИНСОНЙЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ
ТАРАННУМ ЭТИЛГАН

Ўзбекистон Бадий академияси Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейида улуғ шоирлар — Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишланган миниатюра асарлари кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Кўргазмада Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзолари, миниатюристи раҳбарлари Б.Ҳошимов, Х.Назирова, Д.Тошев, Ш.Маҳмуджонов, Т.Болтабоев, Б.Бобоназаров, Н.Холматов, Ч.Пайзиевнинг улуғ шоир ва мутафаккирлар Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур рубоий ва достонларига ишланган кўплаб миниатюра асарлари намоён этилмоқда.

Таниқли мусаввирлар билан бирга ёш, иқтидорли мўйқалам соҳиблари асарлари ҳам ўрин олган кўргазма

ёшларимизни адабий-бадий меросимиздан баҳраманд этиш ва уни атрофича ўрганиш имконини беради.

Кўргазмани томоша қилар эканмиз, қалбимизни фахр ва ифтихор туйғулари қамраб олади. Чунки буюк мутафаккирларимиз ижодида ҳалоллик, бағрикенглик, одиллик, мардлик каби фазилатлар ўз аксини топган. Шоирларимиз қолдирган ўлмас асарлар орқали миниатюра санъатида инсонийликка хос бўлган эзгулик ва яхшилик тараннум этилган.

Зафар НАЗАРОВ

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Яхши ишлар умрни безайди.

Сабру қаноат — улуғ саодат.

Вақт — имконият: ундан нима мақсадда фойдаланиш ҳар кимнинг ўз қўлида.

Хохламагanning баҳонаси кўп.

Йўқотишлар инсоннинг кўзини очади.

Кибру ҳавонинг оқибати ёмон.

Мард майдонда синалади.

Баъзан ёмонлик кўпинча сенинг хаёлингга келмаган, сира шубҳаланмаган яқин кишигдан келади.

Номард аввал ишончингга кириб, кейин чув тушириб кетади.

Ўзига ишонган бировдан хавфсирамайди.

Нокас ўзининг ожиз нуқталарини билгани ўзига душман ҳисоблайди.

Дардингни номардга айтсанг, дoston қилади.

ЎЗГИДРОМЕТ

ХАБАР ҚИЛАДИ

дузи 1 даража совук, 1 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 14 ва 15 февралда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар 14 февраль кун ҳаво ўза-риб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамао эсади. Ҳарорат кечаси — 9-11, кун-да, тағмиқдори паст бўлади.